

**Қ А Р О Р**  
(маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида)

2022 йил январь ойининг 11 кунда жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик этувчи И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси У.С.Кудратовнинг котиблигида,

Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғининг Жобборов Норйигит Суннатовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаси билан танишиб чиқиб қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И:**

Фуқаро: Жобборов Норйигит Суннатович - 1979 йил 26 сентябрда Оқдарё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Оқдарё тумани, “Темирак” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли, “Бурганли” қишлоғида яшайди, соғлом.

Фуқаро Жобборов Норйигит Суннатович, жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2016 йил 21 ноябрь кундаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 103-моддасининг 2-қисми ва 122-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 59,61-моддаларига асосан, 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2018 йил 13 январь кундаги ажримига асосан ЖК 74-моддаси билан ўталмасдан қолган 2(икки) йил 2(икки) ой 28(йигирма саккиз) кун, шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, **жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг 2018 йил 16 ноябрь кундаги ажримига асосан ЖК 73-моддаси билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган.**

Оқдарё туман ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан тақдимнома киритилиб, унда фуқаро Жобборов Норйигит Суннатович **оғир** жиноят содир этиб судланиб, жазодан озод қилинган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, бирон бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан келаётганлигини, ЖИБ Оқдарё туман судининг 2021 йил 02 ноябрь кундаги қарорига асосан, МЖтКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан, 490.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, бундан ташқари Оқдарё туман ИИБнинг 2021 йил 11 декабрь кундаги қарорига асосан, МЖтК 54-моддасининг 1-қисми билан, 54.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, оиласи билан доимий равишда келишмовчиликлар чиқариб келаётганлиги, келгусида қайта жиноят содир қилиши мумкинлиги сабабли, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозимлиги сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Жобборов Норйигит Суннатович ўз кўрсатмасида, муқаддам судланганлигини, ҳаракатларидан пушаймонлигини, келгусида имконият берилса, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишини баён қилди.



Суд мажлисида сўроқ қилинган Оқдарё туман ички ишлар бўлими ХПБ профилактика инспектори капитан Ж.Облақулов ўзининг кўрғазмасида, фуқаро Жобборов Норйигит Суннатович **оғир** жиноят содир этиб судланиб, жазодан озод қилинган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, бирон бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан келаётганлигини, ЖИБ Оқдарё туман судининг 2021 йил 02 ноябрь кунидаги қарорига асосан, МЖТКнинг 41-моддаси ва 52-моддасининг 2-қисми билан, 490.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, бундан ташқари Оқдарё туман ИИБнинг 2021 йил 11 декабрь кунидаги қарорига асосан, МЖТК 54-моддасининг 1-қисми билан, 54.000 сўм жарима жазоси тайинланганлигини, оиласи билан доимий равишда келишмовчиликлар чиқариб келаётганлиги, келгусида қайта жиноят содир қилиши мумкинлиги сабабли, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозимлиги сўради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жобборов Норйигит Суннатовичга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг **2019 йил 2 апрель** кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида”ги 532-сонли Қонунига асосан маъмурий назорат ўрнатиш тавсия қилинган.

Суд, ушбу тақдимномани ўрганиб чиқиб, Жобборов Норйигит Суннатович жазони ўтаб чиққанидан сўнг, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмасдан, мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб юрганлиги ва келгусида уни бирон-бир жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида”ги 532-сонли Қонунининг 1-10-моддаларига асосан, фуқаро Жобборов Норйигит Суннатовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунидаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида”ги 532-сонли Қонунининг 1-10-моддаларини қўллаб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л Д И

Фуқаро Жобборов Норйигит Суннатовичга нисбатан муддати 6(олти) ойга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги чекланишлар қўлланилсин.

1) Ички ишлар идоралари белгилаб қўйган кеч соат 23<sup>00</sup> дан эрталаб соат 6<sup>00</sup> гача уйдан чиқиб кетиши таъқиқлансин.

2) Оқдарё туман худудининг муайян жойларида (бар, кафе, ресторан, дискотека, ҳар хил турдаги кўнгил очар жойлар ва спиртли ичимликлар билан савдо этувчи дўконлар)да бўлиш таъқиқлансин.

3) Оқдарё туман ички ишлар бўлимини рухсатсиз тумандан ташқарига узоқ муддатга чиқиб кетиш таъқиқлансин.

4) Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 ва 25 кунлари кеч соат 12<sup>00</sup> га қадар Оқдарё туман ички ишлар бўлимига келиб учрашиш тўғрисида қўйилгансин.



Қарорни ижро қилишлик ва унга бўйсунмаслик оқибатларини тушунтириш Оқдарё туман ички ишлар бўлими зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

И.А.Дониёров

